

---

## ТУМАН МАРКАЗИДАН ЎТУВЧИ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛИ ТАЪМИРЛАНАДИ

Бағдод тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари Бахтиёр Аминов берган маълумотларга кўра, туман марказидан ўтувчи 4R 148A - “Фурқат” темирйўл станциясига” автомобиль йўлининг 21-22- километрлари оралиғида таъмирлаш ишларини олиб бориш кўзда тутилмоқда.

Бунда, туман ҳокимлиги биноси жойлашган чорраҳадан Давлат хизматлари маркази биноси жойлашган чорраҳагача бўлган йўл қисми (узунлиги – 200 метр, эни – 20 метр) бетон қопламали кўринишга келтирилади ва бунинг учун 1 млрд. 750 млн. сўм маблағ сарфланиши ҳисоб-китоб қилинган.

ДХМ биноси жойлашган чорраҳадан “Агробанк”нинг туман филиали биноси жойлашган йўл қисмига (узунлиги – 500 метр, эни – 20 метр) эса асфальт қопланиб, замонавий кўринишга келтирилади. Бунинг учун 1 млрд. 320 млн. сўм маблағ сарфланиши ҳисоб-китоб қилинган.

**Маълумот учун:** 4R 148A - “Фурқат” темирйўл станциясига” автомобиль йўлининг 8-23- километрлари оралиғи (Риштон туманининг Меҳнатобод қишлоғидан Бағдод тумани марказидан чиқувчи айланма йўлгача) Бағдод тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг тасарруфига берилган.

**Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.**

2022-05-10 17:35:17